

Мустақиллик тарихий драма жанрини янги босқичга кўтарган бўлса ҳам, назаримизда, биз ҳозирча Амир Темур сиймосининг маънавий-маърифий қиррасини ифода этиш билан чекланиб келаётгандаймиз. Чунки мавзунини тавсифий-биографик, ижтимоий-сиёсий ва публицистик пафосдан фалсафий-психология йўсинига теран миқёс ҳамда турфа ракурслар сари юксалтирадиган талқинларга имкон берувчи бақувват сахна асарларимиз нисбатан камдир. Айни пайтда, умумдабиётимиз ва театр санъатимиз мавзу ҳамда жанр хилма-хиллиги билангина қаноат ҳосил қилиши мумкин эмас.

Адабиётлар

1. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2017 йил 17 февраль.
2. Аникст А. История учений о драме. - М.: “Наука”, 1988.
3. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиёти ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фан докт... дисс. - Т.: 1996.
4. Волькенштейн В.М. Драматургия. - М.: Сов. писатель. 1960.
5. Ёқубов О. Қайдасан, Мориқо? -Т.: “Шарқ” НМАК. 1992.
6. Имомов Б. Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари (характер ва конфликт). Филол. фан докт... дисс. - Т.: 1968.
7. Лессинг Г.Э. Гамбургская драматургия. -М.: “Художественная литература”. 1953.
8. Монтескье Ш. Избранные произведения. - М.: “Литература” 1955.
9. Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: “Маънавият”. 2000.
10. Шоимов А. Ҳусайн Жовид ва ўзбек драматургияси. Филол. фан номзоди дисс... -Т.: 2008.
11. Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.
12. Quronov D. “Adabiyot nazariyasi asoslari”. -Т.: Akademnashr, 2018.
13. Ғаниев И.М. Фитрат драмалари поэтикаси. Филол. фан докт... дисс. – Т.: 1998.
14. Ҳайит Б. Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари. -Қобул: 1983.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақиллик даври ўзбек драматургиясида тарихий мавзуга эътибор ортишининг тарихий-ҳуқуқий, аксиологик, адабий-маърифий асослари белгиланган. Амир Темур образи яратилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены исторически-правовые, аксиологические, литературно-просветительские основы узбекской драматургии периода независимости. Исследованы достижения и недостатки в произведениях с образом Амира Темура.

SUMMARY

The article describes the historical-legal, axiological, literary and educational background of Uzbek dramaturgy of the independence period time. The achievements and shortcomings in the works with the image of Amir Temur have been researched.

НАҚЛ ВА МАСАЛ МУНОСАБАТИ

С.Б.Бекчанова - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўзбек ва қорақалпоқ фольклори, нақл жанри, атама, масал.

Ключевые слова: узбекский и каракалпакский фольклор, жанр “притча”(нақл), термин, басня.

Key words: Uzbek and Karakalpak folklore, genre, of parable, term, parable.

Қадимдан ёнма-ён яшаган туркий халқларнинг адабиёти ҳам ўзаро таъсир ва адабий алоқалар натижасида тараққий этган. Туркий халқлар миллий ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланиши асносида бошқа туркий халқлар билан ҳам ўзаро алоқа ва муносабатда бўлган ҳамда адабиётларининг ривожига бир-бирини бойитган. Туркий халқларнинг тарихий илдизлари бир, тили, дини, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари муштарак бўлиб, даврлар ўтиши билан айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган. Туркий оғзаки адабиёт намуналарини алоҳида ва киёсий-типологияк ўрганиш умумтуркий адабиёти масалаларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу яқинлик ва ўзига хосликни ўзбек ва қорақалпоқ нақллари ҳамда у билан яқин бўлган масал жанри мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Нақллар масал, эртақ, афсона ва латифалар орасида ҳамиша ёнма-ён ишлатилади. Шу сабабли ҳам луғатларда ва бошқа манбаларда нақл атамасига ҳар хил таърифлар берилади. Фольклоршунослик илмида асосан масал ва нақлни аралаштириш ҳолатлари кузатилади. **Фольклор намуналарининг узок яшашида, унинг ўрганилишида, ёзма адабиётга таъсир қилишида халқ оғзаки ижоди ва олдинги асрларда тузилган луғатларнинг аҳамияти катта.**

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида нақлга қуйидагича таъриф берилади: “Нақл арабча сўз бўлиб - узатиш, ўтказиш; таржима; кўчириб ёзиш; қайта ҳикоя қилиш деган маъноларни билдиради.

1)Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят.

Хулоса қилиб айтганда, кўпгина адиблар тарихий манбаларга таяниб, Амир Темур образини яратишди. Албатта, турли даврларда бу образга ёндашув ҳам ўзига хос кечди. Унга бўлган муносабатлар адабий-сиёсий талабларга, тузумларнинг эҳтиёжлари ва ижод аҳлининг имконларига қараб ўзгариб турди. Лекин, шундай бўлишдан қатъий назар, адабий қарашларда Амир Темур бутунжаҳон тарихида ўзига хос ўрин эгаллашини англаш сари сезиларли силжиш намоён бўлди. Зотан, у тарихий ва маънавий жиҳатдан теран ўрганишга арзигулик улуғвор шахсиятдир.

2)Умуман, бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя.

3) Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап.” [14:29]
Фольклоршунос олим К.Имомов эса нақл ҳақида шундай баён қилади: «Нақл Марказий Осиё халқлари орасида кўпроқ «Зарбулмасал» номи билан машҳур бўлган халқ орасида турли хил маънода қўлланган. Маълумки, «Зарбулмасал» атамаси арабча бўлиб, масал урмук маъносини англатади. Араб олими «Мухаммад Жабалруди зарбулмасални масал тамсилнинг синонимлари, деб уқтиради... ва бошқа бир ўринда рамзли ҳикоя маъносида қўллайди. «Ғиёсул луғат»да эса «Зарбулмасал мақол билан уриш, нутқда у ёки бу кўчма маънони келтириш» деб белгиланган. Қўринадик, зарбулмасал мажозий ҳикояни англатади. Ўзбекларда зарбулмасал ўрнида асосан **нақл** термини қўлланилади» [7:46]. Олимнинг фикрларидан қўринадик, айрим ҳолатларда нақл ўрнига “Зарбулмасал” атамаси ҳам қўлланган. Олим яна таъкидлайдики, “Туркий халқлар ўртасида оғзаки прозанинг мустақил жанри ҳисобланади. Бу термин нисбатан кенг маънони билдиради. Қадимги туркий ёдномалар, халқ китоблари, қўлёзмаларда миф, эртақ, афсона, ривоят, дoston, мақол, матал ва ҳатто топишмоқлар ҳам нақл номи билан аталган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунда Озарбайжонда **эртақ нақл** деб юритилса, туркманларда **мақол нақыл**, қирғизларда **ибратли ривоятлар нақыл**, уйғурларда **оғзаки ҳикоялар нақл** деб юритилади. Форс тилида эса **нақл оғзаки ҳикояларни** англатади. Нақл луғавий маъносига кўра, оғиздан-оғизга кўчиб юрган сўз ёки

гапни билдиради” [7:47]. Кўринадик, нақл атамасининг ўзи турли халқларда ҳар хил вазифада келганлигини кузатишимиз мумкин.

Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарида шундай келтиради, “...шодлик ва мотам кунларида айтиладиган ҳикматли сўзлардан, мақоллардан келтирдим, токи улардан фойдаланувчилар **нақл қилувчиларга, нақл қилувчилар** эса, ўз навбатида, шу тилда сўзловчиларга ва тингловчиларга етказсин” [10:4]. Бундан кўриш мумкинки, юқоридаги изоҳли луғатда келтирилган таъриф, яъни *узатиш*, *ўтказиш* маъноси олимнинг фикрларига айнан тўғри келади.

Жаҳон халқлари фольклоршунослигида жанр хусусиятлари тўлиқ шаклланган насрий оғзаки эртаклар билан бир қаторда нақл(притча) жанри ҳам шу тоифага киритилади [6:5]. Ўзбек фольклоридаги нақл атамасининг рус фольклоршунослигидаги притча атамасига тўғри келиши ҳақидаги фикрлар ҳам баъзи манбаларда баён қилинади. “Нақл атамаси- **хабар бермоқ, айтиб бермоқ, хикоя қилмоқ каби тушунчаларни англатувчи арабча сўз** бўлиб, у икки маънода қўлланилади: биринчидан, кенг маънода - оғзаки ижоднинг қисса, хикоят, ривоят, дoston каби жанрларини умумлаштирувчи атама сифатида, иккинчидан, тор маънода, яъни бунда оғзаки насрнинг ибратомуз мазмунга эга бўлган мустақил бир тури (жанри) сифатида ишлатилади чиқади ва у рус фольклоридаги “притча”га айнан тўғри келади”[1:4]. Бундан кўриш мумкинки, нақллар притчага тенглаштирилади.

“**Притча**-дидактик мажозий жанр бўлиб, белги хусусиятлари билан **масалга** яқин туради. Лекин шакл жиҳатидан ундан фарқ қилади” [2:21]. Дарғақиқат, ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан, рус фольклоршунослигидаги притчалар айнан биз сўз этаётган нақлларга тўғри келишини кўришимиз мумкин.

Қорақалпоқ фольклоршунослари Ахмедов.С, Баҳадирова.С. “Фольклорлық терминлердин қысқаша сөзлиги” луғатида нақл–мақоллар атамаси келтирилади ва унга изоҳ берилади. “Нақл–мақоллар икки хил айтилса ҳам халқ уни бўлиб, алоҳида айтмайди, балки барча ўринларда қўшиб айтиб кетади” [11:76]. Олимлар фикрларидан шу нарса аён бўладики, бу жанр ўзбек фольклоридаги мақол атамасининг худди ўзи. Лекин бизнинг диққатимизни тортган нарса “притча” атамасига берилган изоҳ бўлди. Унда келтирилишича, “**Притча** - Ўғит насиҳат қилишга қаратилган кичик хикоя. **Мысалга** маъно жиҳатдан яқин, аммо жанр жиҳатдан алоҳидалик касб этади. Мысалнинг ҳажми қисқа, сюжети кескин бўлади. **Мысал** аниқ ва кўп маъноли бўлиб келса, бир маъно ва бир воқеага асосланган бўлади.” Бу таъриф ўзбек фольклоридаги нақл жанрига тўғри келади. Фикрнинг изоҳи учун кетирилган мисол “Отанга нима қилсанг, олдинга шу қайтади” айнан ўзбек фольклоридаги нақлдир. Шу ўринда бир нарсани айтиб кетиш керакки, айнан **мысал** атамаси ўзбек фольклоридаги масал(басня)га тўғри келади деб ўйлаш мумкин. Ҳолбуки луғатларда **тымсал** атамасининг ҳам изоҳини учратдик. Унда келтирилишча, бу атама ўзбек фольклоршунослигидаги **масалга** берилган таърифга айнан ўхшайди, яъни келтирилади. “**Тымсал**-хулосаланган якуний фикрни ўз ичига оладиган ўғит насиҳат типигади ирониялик ёки сатирик асар. У адабиётда жанр сифатида қадимдан шаклланган. Тымсал поэтик кўринишда бўлади” - деб берилган [11:96].

Адабиётшунослик луғатида эса **масалга** куйидагича таъриф берилади. “**Масал** (ар. *مَثَل* – ўхшамок) – сўз санъатидаги энг кўхна ва қадимдан кенг оммалашган жанр, насрий ёки шеърий йўлда ёзиладиган мўъжаз хикоя; тарбиявий мақсадининг устуворлиги ва ошкор

дидактик хусусиятга эгаллиги сабабли **Масалга** дидактик адабиёт жанри сифатида қаралади. **Масал**нинг қурилиши унинг дидактик характериға мос: аввал мўъжаз хикояча берилади, сўнг “қиссадан ҳисса” шаклидаги хулоса билан унинг мажозий маъноси таъкидлаб кўрсатилади. **Масал**нинг хикоя қисми **эртақ** ва **латифаларга**, “қиссадан ҳисса”си эса **мақолларга** яқинлашади.” [12:68]. Ҳар иккала таърифта ҳам “масалнинг отаси” саналувчи Эзоп, ёзма адабиётда эса француз адиби Ж.Лафонтен, немис адиби Лессинг, рус масалчиси И.Криловлар тилга олинади.

Масал ва нақлнинг умуман бошқа-бошқа жанр эканлигини К.Имомов куйидагича ифодалайди. “Нақл билан масал панд-насихат ва ўғит чиқариш, айбдорни белгилаш функциясини адо этади. Фарқли жиҳати шундаки, нақл қаҳрамони ривожланмаган, ҳатто аниқ типлар даражасига кўтарилмаган. Масалда эса у индивидуаллаштирилган. Нақл воқеалари содда, равон, масал эса мураккаб ифодаланган. Нақлда юз берган ҳодисага муносабат насиҳатомуз воқеалар замирида кечади. Масал воқеанинг содир бўлишига асос бўлган ҳодисаларни ҳикматли сўзлар воситасида баён этади” [8:223]. Нақл алоҳида жанр сифатида эртақка яқин туради ва ҳар иккиси кўчма маъно, мажозга асосланади. Шунингдек, нақл билан масал жанри белгиларига кўра ўзаро яқин, муштаракдир. Нақл ва масал мажозга асосланиши билан ўзаро ўхшашликка эга бўлса ҳамки, персонаж талқинига кўра фарқланадилар. Масал тилининг мураккаблиги, мажозий образларнинг характер даражасида тасвирланиши билан ажралиб турса, нақл тилининг соддаллиги, етакчи образларнинг типиклик даражасида эмаслиги, оддий ва ҳаётийлиги билан кўзга ташланади. Образ тизими ҳар икки жанрда бир хил эмас. Нақлда улар икки ёки учтадан, масалда эса иккитадан ошмайди.

А.А.Потебня мақол ва масал орасида кўпгина умумийликлар борлигини, масаллар мақолларнинг келиб чиқиш манбаи эканлигини кўрсатади. Унинг фикрича, “Масалларнинг кичик бир қисми мияда сақланади, кўпчилик масаллар эса фикрни изоҳлаш учун биринчи талабимизга кўра намоён бўлишга тайёр бўлгани учун мақолга айланади. Лекин масалнинг биринчи қисми ҳеч қандай ўзгаришсиз қолади” [5:223].

Қорақалпоқ фольклоршунослари С.Ахмедов ва С.Баҳадировалар луғатида **мысал** атамасига таъриф шундай таъриф берилади: “**Мысал**-Туркий халқлар фольклорида мавжуд жанр.Тарбиявий аҳамиятга эга хикоятларни сатирик усулда берадиган, кичик поэтик ва оддий сўз билан насрда баён қилинадиган жанр. **Мысал** қаҳрамонлари ҳайвонлар, қушлар ва бошқа тирик мавжудотлар бўлади.Уларни сўзлатиш орқали инсонлардаги камчиликлар очиб ташланади ва кулгили аччиқ сатирик ғоя берилади.У маъно жиҳатдан **тымсалга** яқин туради. **Тымсалдан** фарқи шундаки, **мысалда** хикоя мақсади аниқ кўриниб туради, ўғит бериш, тарбия учун айтилади” [11:96]. Демак, қорақалпоқ фольклорида нақл ўрнида **мысал**, масал ўрнида эса **тымсал** атамасининг қўлланганлигини кўришимиз мумкин. Келтирилган таърифларда ҳам иккала жанрнинг тафовутларини яққол кўришимиз мумкин.

Фольклоршунос олим Қ.Айимбетов “Қорақалпоқ халқ нақл мақолларининг қисқача изоҳли луғати ва маъноли сўзлар” тўпламининг сўз бошисида нақллар ҳақида шундай деб ёзади “...қорақалпоқ нақл-мақоллари ўзининг маъноси ва бадийлиги нуктаи назаридан куйидаги турларга бўлинади: нақллар, термалар, фразеологизмлар ва ҳозирги ёзуви ва шоирлар қўлланадиган афоризмлар қабилар. Китебда нақлга куйидагича изоҳ берилади: “... нақллар ўзининг маъноси, тузилиши жиҳатидан мақоллардан фарқ қилади. Нақл сўзлар жуфт-жуфт ва кофиядош бўлиб

келади” [13:8]. Биламизки, қорақалпоқ фольклорида мақолларни нақл-мақоллар тарзида айтилади. Нақл-мақол икки хил айтилгани билан, уни халқ бўлиб, иккисига ажратиб айтмайди. Ҳоҳлаган пайтда иккисини ҳам айтади. Бу ҳолат улар орасидаги яқинликни кўрсатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Қ.Айимбетовнинг фикрича, нақл атамасига айтилган таъриф ўзбек фольклоридаги мақол атамасига тўғри келади.

Мустақил тадқиқотчи А.М.Бекимбетов: “Мысал жанри халқаро фольклоршуносликда «притча», ўзбек фольклоршунослигида «нақл», қозоқларда «мысал» деб қабул қилинган. Қорақалпоқ фольклоршунослигида эса ўрганилмаган халқ насрининг бир жанридир”, деб *мысал* атамаси билан айнан нақлларни эътироф қиладилар. Бундан кўринадики, қорақалпоқ фольклоршунослигида ҳам бу жанр тадқиқ қилинмаган. Жумладан, қорақалпоқ фольклоридаги нақллар биринчи марта профессор А.Пахрадинов тамонидан тўпланиб, “Маъноли гаплар ва халқ афсоналари” деган ном билан алоҳида нашр қилинган. “... Халқдан ҳалигача тўла ёзиб олинмаган, қорақалпоқ фольклори таснифига киритилмаган, қорақалпоқ фольклоршунослигида тадқиқот объекти бўлмаган бу муаммо диққатимизни тортди. Биз уларни шартли равишда “маъноли гаплар ва халқ афсоналари” деб номладик, – деб ёзади А.Пахрадинов тўплам сўзбошида.

Олим бу қарашларини қуйидагича изоҳлайди: “биринчидан, инсонларнинг тафаккур маҳсули бўлган фикрларни тасдиқлаш учун тарихан шаклланиб қолган нақл-мақоллардан кам бўлмаган гаплар билан якунлайди”, “иккинчидан, халқ бу гапларнинг маъноларини эл орасида афсона қилиб айтиб юради” [3:3].

Тадқиқотчи шуларга асосланиб, ўзбек фольклорида биз нақл деб эътироф этаётган жанрни “маъноли гаплар ва халқ афсоналари” деб ҳисоблайди.

Демак, А.Пахрадинов мулоҳазаларидан маълум бўладики, у ўзбек фольклоридаги “нақл” атамаси ўрнига “маъноли гаплар” атамасини қўллаш тарафдори. “Маъноли гаплар”ни ўзбек тилига айнан таржима қилсак “хикмат” атамасига тўғри келади.

Умумжаҳон цивилизациясининг марказларидан

Адабиётлар

1. Ақл билан Давлат. Холмирзаева С. -Т.: “Ўқитувчи”. 1995.
2. Аверинцев С.С. Притча. // Краткая литературная энциклопедия. / Гл. ред. А. А. Сурков. - М.: Сов. энцикл., 1962. 1978. Т. 6: Притча. «Советская Россия». 1971.
3. Пахрадинов А. Мәнилі гәпләр хәм халқ әпсаналары. -Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1989.
4. Номаи Доғишгоғ . Учёные Записки . Scientific Notes . 93 №1(54) 2018. Баротзода Притча о Мудром Лукмане - образец художественной прозы.
5. Потебня А.А. Из лекций по теории словесности. // Эстетика и поэтика. -М.: «Искусство», 1976.
6. Тюпа В.И. Грани и границы притчи. Традиция и литературный процесс. –Новосибирск: 1999.
7. Ўзбек фольклори очерклари. 2-китоб К.Имомов. Нақл.
8. Ўзбек халқ насри поэтикаси. К.Имомов. -Т.: “Фан” 2008.
9. Қуръони Қарим. Маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф Сураси. 13 пора. 67 оят. Бақара Сураси. 1 пора. 26 оят 5-б. - Тошкент: 2018.
10. Маҳмуд Қошғорий. Туркий сўзлар девони. (Девону луғат-ит-турк) I жилд. Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашри. -Т.: “Мумтоз сўз”. 2016.
11. Ахмедов С., Баҳадирова С. “Фольклорлық терминлердин қысқаша сөзлиги”. -Нөкис: “Билим”, 1992. 96-б.
12. Дилмурод Қуროнов, Зокиржон Мамажонов, Машхура Шералиева. Адабиётшунослик луғати. /Д.Қуруновнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Академнашр, 2010.
13. Айимбетов Қ. Қарақалпақ халық накыл - макалларының қысқаша түсіндірме сөзлиги хәм жүйели сөзлер. -Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2007.
14. O`zbek tilining izohli lug`ati: -T.: "O`zbekiston milliy entsiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.

Мазкур мақола ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги долзарб масалага бағишланган. Унда ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақл(притча) ва масалларнинг ўрганилиши ҳақида сўз юритилади ва ўша тилларда бу адабий турга оид атамаларнинг изоҳи берилган.

Статья посвящена изучению актуального вопроса в узбекском и каракалпакском устном народном творчестве. Изучению жанров “притчи” и басни в узбекском и каракалпакском фольклоре. Рассматривается также история издания народных притч и басен.

The article is devoted to the investigation of one of the actual issues in Uzbek and Karakalpak folklore- the study of genres of parable and fable. The author also studies the history of publication of works written in genres of parable and fable.